

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди
№ МО 10-186
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирининг
2020 йил “7” декабрь даги
648 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.**

“Ер кадастри ва ердан фойдаланиш”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Ҷайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг
2020 йил 30-октябрдаги 6- сонли баённомаси билан маъқулланган.*

Тузувчилар:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”
модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш.Усмонов,
т.ф.н., доц. Р.А.Хабибуллаев

“Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули:
и.ф.д., проф. Р.Нуримбетов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова, п.ф.н., доц.
М.Дехканова

“Педагонинг қасбий профессионаллигини ошириш” модули:
п.ф.д., проф. Н.Муслимов, катта ўқитувчи Р.Ишмуҳамедов

“Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”
модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.

“Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модули:
катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, С.Таджибаева,
У.Гиясова, Ш.Файзуллаева

“Мутахассислик фанлари” модули: и.ф.д., проф. С.Авезбаев,
и.ф.н., доц. Қ.Рахмонов, и.ф.н., доц. Ш.Нарбаев, и.ф.н., доц.
А.Бабажанов, доц. Р.Ойматов, к.ў. А.Муқимов.

Тақризчилар:

т.ф.н., доц. И.М.Мусаев, “Геодезия ва геоинформатика”,
ТИҚҲММИ

Хорижий эксперт: и.ф.д., доц. О.О.Караматов, Кастамону
университети, Туркия

*Ўқув дастури Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти Кенгашининг қарори билан тасдиқча тавсия қилинган
(2020 йил _____ даги ____ - сонли баённома).*

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанны 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмунни кредит модул тизими ва ўкув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўкув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар

- 1.1. Кредит модул тизими ва ўкув жараёнини ташкил этиш.
- 1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.
- 1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш

- 2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.
- 2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

III. Мутахассислик фанлари

- 3.1. Давлат кадастрларини юритишда инновацион технологиялар.
- 3.2. Ер тузишни лойихалашда рақамли технологиялар.
- 3.3. Рақамли ер кадастрини юритишда креатив ёндашувлар.
- 3.4. Рақамли иқтисодиётда ер муносабатларини тартибга солиш.

IV. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўкув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойихалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифалари**га қўйидагилар киради:

- “Ер кадастри ва ердан фойдаланиш” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- мутахассислик фанлари соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Ер кадастри ва ердан фойдаланиш” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар куйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар, туман(шаҳар)лар Давлат хокимият органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатларини;
 - далат кадастрлари ягона тизимини юритиш ва ахборотларни истемол-чиларга етказиш тартибларини;
 - давлат кадастрларини юритишида инновацион технологияларни тадбиқ қилишни;
 - ер тузишни лойихалашда рақамли технологияларни қўллашни;
 - ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ўтказишни;
 - ер кадастрининг ахборот базасини яратишида геоахборот тизим ва технологияларни тадбиқ қилиш методологиясини;
 - рақамли ер кадастрини юритишида креатив ёндашувларни;
 - инновацион ер кадастри ахборот тизимини шакллантириш усулларини;
 - рақамли иқтисодиётда ер муносабатларини тартибга солиш усулларини
- билиши** керак.

Тингловчи:

- давлат кадастрларини юритишида инновацион технологияларни қўллаш;
- далат кадастрлари ягона тизимини юритиш ва ахборотларни истемолчиларга етказиш;
- ер тузишни лойихалашда рақамли технологияларни қўллаш;
- ер тузишни лойихалашнинг автоматлаштирилган тизим маълумотларидан фойдаланиш, бошланғич маълумотларини киритиш;
- лойихалашда автоматлашган тизимларни қўллаш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- рақамли ер кадастрини юритишида креатив ёндашувларга эришиш;
- ер кадастри маълумотлар тизимининг амалдаги ҳолати ва услубларини таҳлил қилиш;

- ер кадастри ахборот тизими моделларини ҳудудий субъектларда синовдан ўтказиш тизимидағи инновацион ўзгаришларни амалиётта тадбиқ этишга оид муаммоларни аниклаш;
- рақамли иқтисодиётда ер муносабатларини тартибга солиш;
- ер муносабатларини тартибга солиш фаолиятида янги инновацион технологияларни қўллаш;
- автоматлашган тизимлардан фойдаланган ҳолда ер тузиш лойиҳаларини яратиш **малакасини** эгаллаши лозим.

Тингловчи:

- давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш ва ахборотларни истемол-чиларга ётказиш тартибларини жорий қилиш ;
- давлат кадастрларини юритишида инновацион технологияларни тадбиқ қилиш;
- Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасига оид МДХ ва чет эл давлатлари тажрибасини тахлил этиш ва натижаларини умумлаштириш;
- Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ўтказиш муаммоларини аниклаш
- рақамли ер кадастрини юритишида креатив ёндашув ва ахборот тизимини шакллантириш;
- давлат ер кадастри ахборот таъминотини мақсадли дастурини яратиш ва тадбиқ этиш истиқболларини ишлаб чиқиши;
- ер участкаларида сенсорли чегара белгиларини ўрнатиш асосида ер кадастри маълумотларини шакллантириш;
- ер тузиш лойиҳаларини ишлашда автоматлашган тизимларни қўллаш самарадорлигини ошириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўкув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“ЕР КАДАСТРИ ВА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Кўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услугубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг хуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг хуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-хуқуқий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг хуқуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш обьектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-лоиҳаларни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий

тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиха бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга кўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп эттириш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Sience тизимлари асосида такомиллаштириш.

1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), маҳсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув машгулотларининг замонавий турларини (loyihha, aralash taъlim, viritual laboratoriya, debat) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.қ.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари.

Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

II. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

2.1. Таълим жараёнига рақамили технологияларни жорий этиш.

Рақамили технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамили технологиялар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъруза, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш. Булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимедиали интерактив ўқув-услубий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ваундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёдан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журнallардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиши) кўникмаларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқ-овқат. Сиҳат-саломатлик. Оилавий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғуланиш. Касб-хунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий ҳордиқ, телефонда сұхбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ

3.1. Давлат кадастрларини юритишда инновацион технологиялар

Давлат кадастрларини юритишининг назарий ва хуқукий асослари Давлат кадастрларини юритишда инновацион технологияларни жорий қилиш тажрибаси. Инновацион технологияларни тадбиқ қилиш имкониятлари. Давлат кадастрларини юритишда мутахассисларда махсус электрон дастурлардан фойдаланиш кўникмаларини яратишда креатив ёндашувлар. Соҳага оид электрон дастурлар имкониятларидан фойдаланиш истиқболлари. Амалдаги 21 та номдаги кадаст

турларига оид қатlamли электрон хариталарни яратиш ва улардан фойдаланиш услуглари. Ягона электрон Портални юритиш ва манфаатдор истемолчилар билан ахборотларни интеграция қилиш афзалликлари..

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман(шаҳар)лар миңбесида давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш, электрон дастур ва хариталар ёрдамида маълумотларни йифиш, тизимлаш, таҳлил қилиш, гуруҳлаш, уларни хаққонийлигини назорат қилиш ва истемолчиларга етказиш жараёнлари. Вазирлик ва давлат қўмиталари таркибидаги кадастр ҳизматлари ташкилотларида ахборот тизимларини шакллантириш, кадастр турларини юритишга оид техник воситалар ва электрон дастурлардан фойдаланиш, меъёрлаш, ахборотларни шаффоғлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш ҳамда назорат қилиш.

3.2. Ер тузишни лойиҳалашда рақамли технологиялар

Рақамли иқтисодиёт шароитида катта хажмдаги геоахборотларни олиш, қайта ишиш ва бошқариш имкониятлари. Ер тузиш учун қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерлар ва умуман мамлакат ер майдонлари тўғрисидаги рақамлаштирилган ягона ахборотлар тизимидан фойдаланиш йўллари. Ер тузиш лойиҳаларини рақамли кўринишга ўтказиш ва шу асосда улар аниқлигини тубдан ошириш масалалари. Адаптив – ландшафтли ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш йўллари. Рақамлашган тарзда республика, вилоят, туман даражаларида ердан фойдаланишни прогнозлаш ва режалаштириш хужжатларини ишлаб чиқиш услубиятлари. Ер тузиш лойиҳалари таркибида қишлоқ хўжалик регламентларини ишлаб чиқиш масалалари.

3.3. Рақамли ер кадастрини юритишда креатив ёндошувлар

Инновацион ер кадастри ахборот тизимини шакллантиришда креатив ёндашувнинг назарий асослари. Республикада рақамли ер кадастри ахборот тизимларини яратишда креатив услубларни тадбиқ қилиш истиқболлари. Ер кадастрини юритишда инновацион технология ва креатив услубларни жорий этиш асосида геоахборот тизим ютуқларидан фойдаланиш кўлами. Ер кадастри маълумотлар тизими элемент (ер контури, ер участкаси, чегара белгиси) ларининг илмий – услубий таърифлари. Ер кадастри ахборот таъминотини амалдаги ҳолати ва унинг такомиллаштириш истиқболлари. Ер кадастри хужжатлари ва ахборотлар аниқлигини кафолотловчи креатив ечимлар. Рақамли ер кадастри ахборотлари асосида туман ер балансини тузиш технологиялари ва электрон дастурларни тадбиқ этиш истиқболлари. Туман ер балансини онлайн ва оффайн тизимларини жорий қилишда “ЕРАВТОБАНК” электрон дастурдан фойдаланиш имкониятлари. Рақамли ер кадастрини юритишнинг мезонлари, омиллари ва самарадорлиги. Тезкор ер кадастри ахборотларини яратишда хорижда ва республикада эришилган илғор тажрибаларни жорий этишнинг стратегик дастури.

3.4. Рақамли иқтисодиётда ер муносабатларини тартибга солиш

Ер муносабатлари ҳуқук тизимининг бир қатор соҳаларида тартибга солиш предмети. Маъмурий - субъектлар ўртасида ҳудудлар чегарасини белгилаш; фуқаровий – ер участкалари билан боғлиқ битимларни амалга ошириш; молиявий – ердан фойдаланганлик учун ер солигига тортиш; агар ҳуқуқда қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш учун фойдаланиш ва х.к. Санаб ўтилган ҳар бир ҳуқуқ соҳасида ҳуқуқий тартибга солиш предмети сифатида ер муносабатларининг ҳудудий базис, мулкий, ер-ишлаб чиқариш каби турли қўринишлари хизмат қиласиди. Рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабатларини тартибга солишнинг хусусияти уларнинг иқтисодий характерга эга эканлиги, яъни ер ресурсларидан хўжалик мақсадларида фойдаланилиши билан изоҳланилади.

IV. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш қуйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи

бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурухи учун 1 та очик дарс ўтказадилар. Очиқ дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хulosалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва кўникмаларини ривожлантириши лозим:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;

- ўкув машғулотларининг ҳар хил турлари (маъruzалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар)ни ташкиллаштириш;

- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти, талабаларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш, иктидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;

- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.

мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўкув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбалардан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

13. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvssu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
14. Бобоҷонов А.Р., Раҳмонов Қ.Р., Гофуров А.Ж. Ер кадастри. Дарслик. Тошкент, ТИМИ. 2015. - 208 б.
15. Волков С.Н., Землеустройство. Системы автоматизированного проектирования в землеустройстве. - М.: Колос. 2018. – 548 б.
16. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. - 312 б.
17. Журакулов Д.О., Ярматова Д.С. Давлат ер кадастри. Ўқув кўлланма. ”Фан”нашриёти. -Т.:2019. - 352 б.

18. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. - 112 б.
19. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf
20. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. - 60 б.
21. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
22. Раҳмонов Қ.Р., Успанқулов Б.М. Давлат кадастрлари асослари. Ўқув қўлланма. ТИҚҲММИ, Тошкент. 2018. -160 б.
23. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020. - 120 б.
24. Хаксхольд Вильям. Введение в городские географические информационные системы – перевод с английского – New York Oxford – Oxford University Press. 2016.
25. Чертовицкий А.С., Свайнов А.А. Земельный кадастр. Учебное пособие. Ташкент, ТМИИ. 2013. -296 ст.
26. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
27. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010. – 204 б.
28. H.Q. Mitchell, Marilena Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. – 191 б.
29. Henssen, I.P. Williamson. Land registration, cadaster and its interaction - a world perspective. Стокгольм. 2015.
30. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. – 175 б.
31. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

IV. Интернет сайтлар

32. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
33. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси
34. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
35. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
36. <https://www.pgsha.ru/faculties/cadastre/> - сайт Пермского государственного аграрно-технологического университета имени академика Д.Н.Прянишникова

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий-методик маркази
Директор _____ Т.Т.Шоймардонов
“_____” 2020 й.
М.Ү.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини
oshiришни ташкил этиш хамда
мувофиқлаштириш бошқармаси
Бошқарма бошлиғи _____ Ф.Т.Эсанбобоев
“_____” 2020 й.
М.Ү.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш мухандислари институти
Ректор _____ Ў.П.Умурзаков
“_____” 2020 й.
М.Ү.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш мухандислари институти
хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ
маркази

Директор _____ Ф.Т.Бекмирзаев
“_____” 2020 й.
М.Ү.

